SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 19-sentabr. Seshanba • 116 (32.331) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 2017 йил 17 сентябрь куни Туркманистонда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Самимий руҳда ўтган мулоқотда сўнгги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадал ривожланаётгани қайд этилди. Бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентларнинг очиқлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Туркманистон Президенти ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ареналарида эришаётган ютуқларини қайд этар экан, бунга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан яратилган шароитлар мустаҳкам замин бўлаётганини таъкидлади.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу нуфузли халқаро спорт анжуманини юксак савияда ўтказиш учун Туркманистон пойтахтида пухта тайёргарлик кўрилган. Олимпия шаҳарчасида иштирокчи давлатлар делегациялари, мураббий ва спортчиларнинг яшаши, мусобақага тайёрланиши, машғулотлар ўтказиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари Ашхобод Олимпия стадионига ташриф буюрди. 45 минг томошабинга мўлжалланган муҳташам иншоотга кўплаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Осиё олимпия кенгаши раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишқибозлари жам бўлган.

Ашхобод Олимпия стадионида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бошланди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Осиё ўйинлари иштирокчиларига омад тилаб, мусобақани расман очиқ, деб эълон қилди.

Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ барчани ушбу спорт байрами билан қутлади.

Туркман халқининг миллий қадрият ва анъаналари акс этган театрлаштирилган бадиий дастур намойиш этилди.

Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида 60 дан ортиқ мамлакатдан спортчилар қатнашмоқда. Анъанага мувофиқ, стадионга иштирокчи давлатлар спорт делегациялари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган спортчимиз — оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби Улуғбек Алимов ва Ўзбекистон делегациясини мухлислар олқишлар билан кутиб олди.

Делегациямиз таркибида 189 спортчи — жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришган тажрибали спортчиларимиз билан бирга, ёш иқтидор эгалари спортнинг 20 тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Мамлакатимиз бу каби йирик халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишга қодир спортчиларни тайёрлаш борасида бой тажриба тўплаган. Жумладан, Биринчи Президентимиз томонидан асос солинган ва мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш баробарида, улар орасидан халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодларни саралаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Спортчиларимизнинг Ашхободда ўтказилаётган нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим омил бўлди.

Тантанали маросим якунида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари машъаласи ёқилди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Ашхобод — Тошкент.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА УЧИНЧИ ЎРИНДА БОРЯПМИЗ

Қарор ва ижро

Термиз шаҳридаги Хотира майдонида Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда осойишталикни таъминлаш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш учун тантанали қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига вилоятдан сайланган сенаторлар, турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, ёшлар, профилактика инспекторларининг оила аъзолари иштирок этган тадбирда профилактика инспекторларига замонавий хизмат уйлари ва имтиёзли кредит асосида харид қилинган янги автомашиналар калитлари тантанали равишда топширилди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов ва бошқалар мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимлари аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади.

Сурхондарё вилоятида ички ишлар органлари ходимлари томонидан турли профилактик тадбирлар, аҳоли билан очиқ мулоқот ва ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва омилларини аниқлаш, бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича изчил ишлар олиб бормоқда. Профилактика инспектори билан ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик ҳамкорлиги мустаҳкамланаётир. Бунинг самарасида вилоятда жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 400 тага камайган. 190 дан ортиқ маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган.

— Бизнинг давримизда бундай шароит ҳам, машаққатли хизматимизга эътибор ҳам бўлмаган, — дейди истеъфодаги полковник И.Қалқонов. — Қирқ йилдан зиёд ички ишлар органларида турли лавозимларда хизмат қилдим. Ўша даврда бепул хизмат уйида яшаш ёки енгил машина сотиб олиш тасаввуримизга ҳам сиғмаган. Қаранг, бугун профилактика инспекторига ўз ҳудудидан оила аъзолари билан яшаш учун хизмат уйи, тижорат банкининг узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағи асосида янги автомашина берилмоқда. Бунга ҳавас қилмай, осойишта, фаровон турмушимиз пасбонларига яратилаётган шароитлар билан фахрланмай бўладими?! Бу фуқаролар мурожаатига эътиборни кучайтиради. Маҳалла аҳли билан янада яқин бўлишга қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, профилактика инспекторларига барча шароитга эга хизмат уйлари топширилаётгани ҳудуд осойишталигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда 450 дан ортиқ профилактика инспектори фаолият юритмоқда. Хизмат уйи ва енгил автомашина калитини қабул қилиб олган осойишталик пасбонлари сафида Шеробод туманидаги Дўстлик маҳалласи профилактика инспектори, капитан Аслиддин Бобоев ҳам бор.

— Бундай тантанали қасамёд ўзим хизмат қилаётган ҳудудда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқини ишончли ҳимоялашда янада кўпроқ меҳнат қилишга ундайди, — дейди капитан А.Бобоев. — Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ўтказаётган профилактик тадбирларимиз самарадорлигини оширишни асосий мақсад қилиб олганмиз. Ҳудудда оила аъзоларим билан яшаш учун барпо этилган замонавий хизмат уйи ва енгил машина бу борадаги ишларимиз янада самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги қасамёд бизни шунга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов сўзга чиқди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА КЕЛДИ

Нью-Йорк, 18 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси умумий музокараларида нутқ сўзлайди.

Президентимиз ташриф доирасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Халқаро валюта фонди тақсимловчи директори Кристин Лагард, Жаҳон банки гуруҳи президенти Жим Ён Ким ҳамда БМТ Бош Ассамблеясига ташриф буюрган бошқа давлатлар раҳбарлари билан учрашиб, музокаралар ўтказиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, кенг доирадаги Ўзбекистон — Америка бизнес-форумида иштирок этади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 сентябрь куни Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида Қирғизистон Президентини туғилган куни билан самимий муборакбод этди.

Қирғизистон Президентининг қардош халқларимиз ўртасидаги анъанавий яқин ва яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон — Қирғизистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришда тутган ўрни ва фаол саъй-ҳаракатлари чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган тарихий давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани, ўзаро ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон бош вазирлари раислигида Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолият кўрсатмоқда, давлат чегарасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ишларини якунлаш бўйича фаол музокаралар олиб борилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи чоғида Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартнома имзолангани ҳамкорликдаги ишларнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, йил бошидан буён товар айирбошлаш 60 фоизга ўсди. Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамкорлик бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, икки давлат ҳукуматлари раҳбарлари шафелигида фаолият юритадиган Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгашининг амалий фаолиятини ташкил этишни тезлаштириш ҳамда маданий-гуманитар соҳада янги дастурларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Президенти Қирғизистон Президентини яна бир бор самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият, қардош қирғиз халқига тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тилади.

ЎзА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

• УЮШМАГАН ЁШЛАР ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ТУФАЙЛИ ТЎҒРИ ЙЎЛГА КИРАДИ, ҲАЁТДАН ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

• БОШҚАРУВНИНГ ЎТА МАРКАЗЛАШУВИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

www.uzbekistonovozi.uz

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2017-yil, 19-sentabr. Seshanba • 116 (32.331)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2014 йил 16 апрелда Бош қомусимизнинг қатор моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эса жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом берди.

Дарҳақиқат, миллий қонунчилигимизда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллиги, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги ваколатини мустаҳкамлашга қаратилган юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнларнинг босқичма-босқич ривожланиб бориши самараси ўлароқ, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бормоқда. Пировардида жамоатчилик назорати бўйича махсус қонун қабул қилиш зарурати юзага келди. Ҳаракатлар стратегиясини жорий йилда амалга оширишга оид Давлат дастурида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда бошқа экспертлардан ташкил топган ишчи гуруҳ тегишли қонун лойиҳасини тайёрлади.

Ушбу жараёнда олим ва мутахассисларнинг назарий ҳамда амалий қарашлари, миллий ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганиб, таҳлил этилди.

Қонун лойиҳаси 21 моддадан иборат бўлиб, фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Жамоатчилик назорати қандай назорат ва у ким томонидан амалга оширилади, деган саволга қонун лойиҳасида 4 субъект санаб ўтилмоқда. Булар, авваламбор, республикамиз фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларидир.

Жамоатчилик назорати кимнинг фаолияти устидан олиб борилади, деган яна бир табиий савол туғилади. Айтиш лозимки, қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати объекти аниқ очиб берилмоқда. Унга кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, давлат, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш бўйича фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши жамоатчилик назоратига олинади.

Сифатли давлат хизматлари кўрсатилиши, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш бўйича фаолияти ҳам жамоатчилик назоратининг объекти саналади.

Жамоатчилик назорати қандай шаклда олиб борилади? Бу борада қонун лойиҳасида 8 та шакл белгиланмоқда. Булар давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, жамоатчилик мониторинги, экспертизаси, фикрини ўрганиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимиятнинг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитишдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Амалий таклифлар йиғиш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ҳудудларда анжуманлар, давра суҳбатлари, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказилмоқда.

Мисол учун, ўтган ҳафтада Фарғона шаҳрида ҳам ана шундай давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий Кенгаш аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама этилиб, мутахассислар, эксперт ва ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ана шундай тадбирлар республикамиз ҳудудлари бўйлаб ўтказилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партиялар томонидан ҳам жойларда қатор муҳокамалар ташкил этилмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама пухта тайёрлашдан иборат.

Муносабат

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қавм-қардошлик алоқалари, маънавий ва маданий анъаналар, тил ва дин бирлиги, яхлит тарих ва тақдир бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам бу икки халқни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Зеро, бизнинг илдизимиз ҳам, тарихимиз ҳам муштарак. Халқларимиз доим қардош бўлиб, бир-бирига елка тутиб, суянч бўлиб яшаб келган.

Кўп синовлардан ўтган ушбу бирлик ва дўстликни бугун янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий алоқаларни кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Сўзимизнинг исботи сифатида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг март ва апрель ойларида Қозоғистон Республикасига ташрифи, июнь ойида эса Остонада бўлиб ўтган ШҲТ саммити чоғидаги икки мамлакат Президентларининг учрашуви ҳамда телефон орқали бир неча бор ўтказган суҳбатлари мамлакатларимиз ўртасидаги ана шу ҳамкорликнинг ривожига янги йўл, янги қирралар очди, десак адашмаган бўламиз.

Мазкур учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларациянинг имзоланган, шунингдек, янги «Йўл харитаси»нинг ишлаб чиқилгани фикримизни яққол исботлаб турибди.

Ҳамкорлигимизнинг асосий кўриниши савдо-иқтисодий алоқаларимизда ўз аксини топмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга ўсганини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилингани бу кўрсаткичга эришишнинг асосий омилларидан бири бўлди.

Шу билан бирга, март ойида Остонада бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес форумида 500 нафардан зиёд ўзбек ва қозоқ тадбиркорлари иштирок этиб, умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги савдо шартномалари ва сармоя битимлари имзоланди.

Ана шундай мазмунли тадбирлар қаторида май ойида Чимкентда намойиш этилган икки кунлик Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчиларининг кўргазмасини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу кўргазмада 230 корхонанинг 900 турга яқин маҳсулотлари намойиш этилди.

Яқинда Остонада бўлиб ўтган «ЭКСПО-2017» Халқаро ихтисослашган кўргазмасида мамлакатимиз миллий павильони одамлар энг кўп танишган ўн кўргазма бўлмаларидан бири бўлгани юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қизиқиш ошиб бораётганини кўрсатди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизнинг муҳим бўлагини ташкил этувчи қўшма корхоналар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Қозоғистоннинг автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи — AllurGroup билан биргаликда Қустанайда GM Uzbekistan автомобилларини йиғиш бошланди. Бу эса халқларимиз фаровонлигига, янги иш ўринларининг очилишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ўзаро алоқаларимизни янада кенгайтириш сари ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Минтақалараро муносабатларимизни мустаҳкамлаш, сайёҳлик ва маданий ришталаримизни ривожлантириш мақсадида автомобиль ва темир йўллар инфратузилмаси мустаҳкамланмоқда, март ойида Алмати — Тошкент йўналишидаги темир йўл қатнови тикланди, июнь ойида эса Самарқанддан Остонага қатнов йўлга қўйилди.

Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухамедиули Ўзбекистонда бўлган чоғида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги ўртасида 2017-2019 йилларда сайёҳлик соҳасидаги қўшма чора-тадбирлар режаси имзоланган эди. Бу ҳам икки халқ ўртасидаги сайёҳлик алоқаларини амалий жиҳатдан кенгайтиришга хизмат қилади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг май ойида қозоғистонлик 50 нафар оқсоқолдан иборат «Дўстлик карвони» Тошкент, Самарқанд ва Бухоро сингари тарихий шаҳарлардаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди. Бундай саёҳатлар ҳам ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, туташ маданиятимиз, қадриятларимизга эътибор ва ҳурматни кучайтиришга хизмат қилади. Июнь ойида эса Ўзбекистоннинг қозоқ диаспораси вакиллари Остонада бўлиб ўтган V Бутунжаҳон қозоқлар қурултойида иштирок этди.

Қўшни ва қардош икки халқнинг серқирра ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ижобий ишлар, саъй-ҳаракатлар йил сайин кенгаймоқда, меҳр-оқибат ва тотувлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг давлат ташрифи билан 16-17 сентябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиши ва Кўксарой қароргоҳида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда турли соҳага доир ўндан зиёд ҳужжатларнинг имзоланиши дўстона мулоқотларнинг давоми сифатида ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этади ва муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ривожида янги давр, янги босқичга қадам қўйилди. Ана шу қадамлар қутлуғ келсин, халқларимизнинг бирлиги, дўстлиги, аҳиллигига, меҳр-оқибатимизга кўз тегмасин.

Алия АБДУРАҲМОНОВА,
«Нурли жол» газетаси сиёсий шарҳловчиси.

ЎзХДП Марказий Кенгашида

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Ахборот-коммуникация технологиялари ва «Электрон ҳукумат» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ва вилоят кенгаши масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда иштирокчиларга «Электрон ҳукумат» тизимининг афзалликлари ҳақида маълумот берилди.

— Бугун юртимизда интернет кириб бормаган соҳа ёки тармоқ қолмади ҳисоб, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Нилуфар Йўлдошева.** — Кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиляпти. Давлат бошқаруви тизимида «Электрон ҳукумат»ни шакллантириш борасида аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали, Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур портал орқали юридик ва жисмоний шахсларга юзлаб хизматлар кўрсатиляпти. Муаммоларига ечим топилмоқда. Сансоларчилик, оворагарчиликларга барҳам топиляпти.

— АКТнинг иқтисодиёт ривожидаги ўрни беқиёс, — дейди **Тошкент давлат Иқтисодиёт университети доценти Азизжон Бабажанов.** — Мурожаатларда электрон имзонинг борлиги ахборий саводхонликнинг ошаётганидан далолат беради. Афсуски, ҳали бу тизимга тўлақонли равишда ўтдик, дея олмаймиз. Бу эса аноним мурожаатларнинг ошишига олиб келяпти. mygov.uz сайти иш бошлаганида мурожаатларни фақат электрон имзо орқалигина қабул қилди. Натижада сайтга кирувчилар сони камлигича қолаверди. Чеклов олиб ташлангач, мурожаатлар сони ошди. Бундан хулоса келиб чиқадики, ОАВ ходимлари ва қатор ҳамкор ташкилотлар бирлашиб, аҳолининг ахборотга бўлган талабини янада ошириш йўлида бир қанча ишларни амалга ошириши лозим. Шундагина очиқлик ва ишонч ортади.

— Кундан-кунга интернетдан фойдаланувчилар ҳамда веб-сайтлар сони ортиб бормоқда, — дейди **Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази директори, ЎзХДП фаоли Ҳафиза Каримова**. — Сайтларнинг ўзида интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг ҳаракатини чеклаб ёки доимий назоратга олишнинг имкони йўқ. Ўғил-қизларимизни турли ёт ғоялардан ҳимояланишга ўргатишимиз, уларда иммунитет пайдо қила олишимиз зарур. Фақатгина керакли ахборотларнигина излаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишимиз шарт.

Ўқув-семинар баҳс мунозараларга бой бўлди. Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА

Кўчма Жамоатчилик қабулхонаси

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА КИМНИ ҚАНДАЙ МАСАЛА ЎЙЛАНТИРЯПТИ?

Тошкент вилоят партия кенгаши Чирчиқ шаҳрида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этди. Олдиндан берилган эълонга асосан партия кенгашига бирин-кетин мурожаатчилар кириб кела бошлади.

Лобар Куронбоева,
Чирчиқ тиббиёт коллежи ўқитувчиси:

— Яқинда шаҳримизда 3 та коллеж фаолияти тугатилди. Ўрнига жисмоний тарбия ниститути ва педагогика институти филиаллари очилди. Келажакда 11-синфлар очилиши муносабати билан бошқа коллежларнинг ҳам тугатилиши ҳақида эштитямиз. Тиббиёт коллежлари ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Сабаби — ўрта тиббиёт ходимларига бўлган талаб кам.

Лекин бизнинг коллежимизнинг қамрови жуда кенг. 4-5 туман учун кадрлар тайёрлайди. Эшитишимизча, вилоят бўйича 2 та тиббиёт коллежи ёпилмас экан, холос. Бизнинг коллежимизни тиббиёт ўқув юрти тартибига ўтказишса яхши бўларди.

Мехрож Дарҳонов,
Тошкент вилоят партия кенгаши раиси:

— Биз бу мурожаатингизни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизга етказамиз, албатта. Кейин таклифларингиз мутасадди ташкилотлар билан бирга кўриб чиқилади.

Немара Леъметова,
Чирчиқ шаҳридаги Озодлик маҳалласидан:

— Бизни кўпдан бери бир муаммо қийнаб келяпти. Икки кўчамиз ёнидан канал ўтади. Ҳовлиларга сув тошиш хавфи жуда кучли. Айниқса, насослар ишламаган пайтда уйимизни сув босади. Мана, 6 ойдирки, насослар ишламаяпти. Томорқада экин етиштиролмаймиз. Шу боис бизни ер солиғидан озод қилса бўладими?..

Ҳайриддин Нуриддинов,
Чирчиқ шаҳридаги Гулзор маҳалласидан:

— Мен икки масалада мурожаат қилмоқчиман. Биринчиси, маҳалламизда канализация йўқ. Ваҳоланки, хонадонлар жуда кўп. 2-масала транспорт масаласи. Кўчаларимизда автобуслар қатнови йўқ. Асосий йўлга анча жойгача пиёда чиқамиз. Бу биз кексаларга, умуман, аҳолига қийинчилик туғдиряпти.

8-сонли мактабгача таълим муассасаси ходими Бахринисо Бегматова шаҳардаги илгари бузилган боғчаларни тиклаш, қайта реконструция қилиш масаласини кўтарди.

Маърифат маҳалласидан Маматкарим Қоратоев совуқ сувнинг нархи кундан кунга ошиб бораётгани, бу аҳолига анча қийинчилик туғдираётганини айтди. **1-кичик шаҳарчадан Умриниса Ҳасанова** ўғлига иш масаласида, **Наврўз маҳалласидан Тошбиби Зокирова** шаҳардаги тез тиббий ёрдам шифохонаси вилоят марказига кўчирилгани боис бу ерда тиббий хизмат кўрсатиш сифати пасайгани тўғрисида мурожаат қилди.

Вилоят партия кенгаши раиси Мехрож Дарҳонов барча мурожаатларни белгилаб олди. Уларнинг йўналишларига қараб тегишли ташкилотларга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясига мурожаатлар, таклифлар киритиладиган бўлди.

Қабулдан сўнг **«Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Рашид Галимов**нинг уйига йўқлаб бордик. Бемор 10 йилдан бери юролмас экан. Турмуш ўртоғи, икки фарзанди унга ғамхўрлик қилади. Партия ташкилотининг совғасини топшириб, бошқа бир хонадонга йўл олдик.

Дониёр Бакиров туғма суяк касали билан оғриркан. Бунинг устига яқинда автоҳалокатга учраб, аҳволи янада оғирлашибди. Оёғига ички протез ўрнатиш керак. Ёлғиз отасининг пенсиясига кун кўришади. Протез эса анча қиммат. Отанинг боши қотган. Партия фаоллари бу масалада соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат киритишадиган бўлди.

Шундан сўнг Немара опанинг мурожаатига асосан «Озодлик» кўчасидаги хонадонларга бордик. Ҳақиқатан ҳам, уйларнинг ертўлаларини сув босган. Деворлар зах, томорқада бирон бир нарса ўстиришнинг умуман иложи йўқ. Ташкилотларнинг бир-бирига сансалорликларининг чегараси кўринмайди. Ҳокимият эса бу масалага ҳали жиддий эътибор қаратмаётганга ўхшайди.

Бугун аҳолини ўйлантираётган масалаларга, муаммоларга бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Аҳоли мурожаатларига эътиборли бўлинса, камчиликлар ўз вақтида ҳал этилса, муаммо катталашмайди, одамлар овора бўлмайди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аҳоли мурожаатларига эътиборли бўлинса, камчиликлар ўз вақтида ҳал этилса, муаммо катталашмайди, одамлар овора бўлмайди.

АДВОКАТ, ЖАМИЯТ, ҚОНУН

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиғи Ҳ.Носирходжаев билан суҳбат

— Ҳасан Аббосхонович, суҳбатни адвокатнинг жамиятдаги бугунги роли ва ўрнидан бошласак.

— Маъқул. Жамиятда қонунбузарлик, жиноят ва жазо мавжуд экан, адвокатларнинг ёрдамига, адвокатга эҳтиёж бор. Адвокат жиноятчининг ҳам, жабрланувчининг ҳам, даъвогар ва жавобгарнинг ҳам ҳуқуқини ҳимоя қилиб, жазонинг, қарорнинг адолатли бўлишини таъминлаш учун курашади. Адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунида аниқ ва муфассал белгилаб қўйилган. Шунингдек, республика Адвокатлар палатаси конференцияси томонидан ишлаб чиқилган «Адвокатнинг касб этикаси қоидалари»да бу касб эгаларининг ҳимоя остидаги ҳамда ишонч билдирувчи шахс ва унинг яқинлари билан ўзаро қандай муносабатда бўлиши, юриш-туриши, суд мажлисларида ўзини қандай тутиши лозимлигидан тортиб то кийиниш маданиятигача кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда адвокатларнинг роли ва мавқеини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, бугун суд жараёнида адвокатнинг ҳуқуқи давлат айбловчиси ҳисобланмиш прокурорнинг ҳуқуқи билан тенглаштирилган. Қонунда шундай. Фақат, амалда адвокатларимиз бу ҳуқуқдан фойдалана олиш учун прокурор билан баравар, балки ундан ортиқроқ ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлсалар, ўз ҳуқуқларини амалга ошириш баробарида ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада сифатлироқ бажарилади.

— Хорижда қандай, чет давлатлар тажрибасини ўрганаяпсизларми?

— Ҳа. Хусусан, МДҲ мамлакатларида сафарда бўлиб, тажриба алмашиб қайтдик. Россияда адвокатлар мавқеи бирмунча баландлигини билар эдик, энди кўрдик ҳам. Бунга эришишда, юқорида айтганимдек, адвокатларнинг билим ва тажрибаси юқорилиги катта аҳамиятга эга.

Ривожланган хориж давлатларида шифокор билан адвокатлик энг юқори маош тўланадиган касблар экани ҳаммамизга маълум. Мамлакатимизда адвокатуранинг ролини, адвокатларнинг мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ана шундай юксак мақомга эга бўлиш мақсадига йўналтирилган.

— Мустақиллик даврида жамиятда адолат ва қонунийликни таъминлаш жараёнида адвокатнинг ҳиссасини ошириш, унинг ҳуқуқини давлат айбловчиси — прокурор билан тенглаштириш учун бир неча Фармон ва Қарорлар қабул қилинди, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ шунга қарамай, амалиётда бу ҳолат ҳозирча сезиларли даражада кўзга ташланмаяпти. Боиси, суд мажлисида ана шу Фармон ва Қарорларга суяниб, ўз ҳақ-ҳуқуқини тортишиб, дадил ҳимоя қила оладиган адвокатларнинг кўп эмаслиги ва суд мажлисига раислик қилувчининг ҳали-ҳануз прокурорга юқорирок, адвокатга пастроқ муносабатида, деб биламан. Бу нимада кўринади? Суд музокарасида адвокат куйиб-пишиб ярим соатлаб, баъзан ундан ҳам ортиқроқ ҳимоя нутқи сўзлайди. Прокурор эса одатда бир-икки минутда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддасига асосан қанча муддатга жазо тайинлашни сўрайди. Нега, нима учун, қайси ва қандай асосларга кўра каби саволлар кўпинча жавобсиз қолади. Раислик этувчи судья эса буни ҳар доим ҳам талаб қилмайди. Нега?

Сиз республика Адвокатлар палатаси пойтахт шаҳар бошқармасининг бошлиғи, ҳам судда, терговда иштирок этадиган адвокат сифатида бу фикрларга қўшиласизми, тўлдирасизми ё рад этасизми?

— Фикрингизга қўшиламан. Бу саволга юқорида жавоб бердим: адвокат прокурор даражасида, ундан кўра кўпроқ ҳам малака ва билимга эга бўлсин. Суд музокарасида прокурор музокара қилмай, фақат жазо муддатларини сўраш билан кифояланиши бор гап ва бундай нотенгликка барҳам бериш кўпроқ судга раислик этувчининг вазифасига киради.

— Юқоридаги фикрнинг давоми сифатида бир мисол келтирмоқчиман: Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида ҳафтанинг ҳар пайшанбаси апелляция босқич судида иш кўрилади. Одатда, икки ёки уч судлов ҳайъати бир вақтнинг ўзида тахминан жами 60-70 та фуқаролик ишини кўриб чиқади ва бу уччала судлов ҳайъатида бир неча йиллардан бери биттагина прокурор қатнашади. Бир киши бир вақтнинг ўзида учта суд мажлисида қандай иштирок этиши мумкин? Прокурор айрим суд мажлисларига кириб икки-уч дақиқа ўтириб чиқиб кетади — бошқасига ҳам кириши керак! Баъзан суд мажлиси тугагач, музокарада прокурорнинг бир дақиқалик «сўрови»ни эшитиш учун суд мажлиси котиби чиқиб, уни бошқа суд мажлисида қатнашаётган жойидан чақириб келади. Баъзан суд мажлиси залига умуман қадам босмаган прокурорни «прокурор фалончи иштирокидаги суд мажлисида аниқланишича» деб уялмай-нетмай ёзиб қўйишади. Мен қўлимда аниқ факт — мисоллар борлиги учун айтяпман бу гапни. Бунақада, қонунийликни назорат қилиш масаласи нима бўлади? Наҳотки, учта судлов ҳайъатига уч нафар прокурор топилмаса?

— Бундай ҳолатни бартараф этиш бизнинг ваколатимизда бўлмагани учун, уни тегишли мутасаддилар эътиборига ҳавола қилиш тўғри бўлади. Бунга эътибор берилса, одил судловнинг қонуний ва адолатли қарор қабул қилишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июнда судьялар билан учрашувдаги маърузасида бундан буён суд мажлисларини видео-конференция усулида ташкил этиш масаласи қўйилди ва у тезда амалга ошиши аниқ. Чунки бу тажриба Олий хўжалик судида йўлга қўйилиб, ишлаётганига бир неча йил бўлди. Видео-конференция усулига ўтишнинг аҳамияти ҳақида нима дейсиз?

— Видео-конференция усулга ўтишнинг олий аҳамият ва вазифаси — ҳозиргача мавжуд айрим атайин чалкашликлар, суд мажлиси Баённомаларидаги ёзувларни баъзан қасддан бузиб ёзиш каби жиддий қонунбузарликка чек қўйилиши билан қадрли, деб ўйлайман.

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тергов ва суд жараёнида, яъни фақат жиноят ишлари бўйича судларда кам таъминланган шахслар учун давлат маблағи ҳисобидан адвокат тайинлаш тартиби амалга киритилган ва бу ҳам инсонпарварлик намунасидир. Айни пайтда мана шу тартибнинг назорат қилинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилиши баъзи ҳолларда одил судловни таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётганга ўхшайди: аксарият туман, шаҳар, вилоят судларида давлат маблағи ҳисобидан тайинланадиган адвокатни суд мажлисига жалб этиш адвокатуралар раҳбарияти орқали эмас, тўғридан-тўғри суд мажлиси котиблари (бундан буён судья ёрдамчилари) орқали бажарилади: адвокатлар судда қатнашиш учун суд томонидан чиқариладиган ажримни ўзлари бориб котибдан «сўраб» оладилар. Натижада суд мажлисида «ортиқча» савол бермайдиган, «синалган» адвокатларгина кунда-шунда бўлиб, бу эса баъзан судланувчиларнинг ёки уларнинг яқинларининг «адвокат ҳеч нима қилмади, демади» каби эътирозларига ҳам сабаб бўляпти. Шу тартибни — давлат маблағи ҳисобидан қатнашишни фақат адвокатура раҳбари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмасми?

— Бизнинг иш режамиздаги текширувлардан маълумки, айрим ҳолатларда икки адвокатнинг йиллик даромади ўртасидаги фарқ ўн-ўн беш бараварни ташкил этади. Бу манзара эса кам даромадли адвокатнинг малакаси пастлигини билдирмайди, баъзан аксинча — катта даромадли адвокатнинг малакаси, билими пастроқ бўлиши мумкин. Масала — сиз айтган давлат томонидан адвокат тайинлаш механизмининг баъзи идораларда адолатли ишламаётганида: судья, судья ёрдамчиси, терговчи ўзи таниган-билган адвокатни ишга жалб қилади. Ҳолбуки, тергов органлари ва адвокатура тузилмалари ўртасида ҳар ойда тузиладиган навбатчилик жадвали мавжуд бўлиб, тергов бўлинмасида навбатчи адвокат ўтиргани ҳолда, ишга терговчининг «ўз адвокати» чақирилади. Мақсад — адвокат гумонланувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилишга эмас, терговчининг ишини енгиллатишга, унга халақит бермасликка хизмат қилиши керак. Бу, юмшоқ айтганда, яхши эмас — терговнинг қонунийлиги сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Судда ҳам шундай: судья томонидан имзоланиб, давлат маблағи ҳисобидан тайинланадиган адвокат билан таъминлашни сўраб тумандаги Адвокатлик тузилмаси раҳбарига мурожаат қилинса ва адвокат ажратилса, одил судловнинг амалга ошишига хизмат қилади: судья хоҳлаган «мўмин-қобил» таниш адвокат ўрнига суд мажлисига адвокатура раҳбари юборган адвокат қатнашади. Бу эса, одил судловни амалга оширишга ижобий таъсир этиш билан бирга адвокатлар ўртасидаги иш тақсимотининг одиллигини ҳам таъминлайди.

— Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 июнда судьялар билан учрашувдаги тарихий маърузасидаги ғоялар, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни ҳаётга самаралироқ татбиқ этишда адвокатлар олдида турган вазифалар нималардан иборат бўлмоғи керак, деб ўйлайсиз?

— Бу Фармонда адвокатура институтига ҳам тўхталиб, самарали ҳимоя оқсаяпти, дейилган. Мана шу камчиликларни тугатиш бўйича республика адвокатлар палатаси томонидан қатор таклифлар берилган ва адвокатура институтини янада такомиллаштириш бўйича янги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бугунги кун ва бугунги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари руҳида ишлаб чиқилаётган ушбу Қонун амалга киргач, умид қиламиз ва ишонамизки, адвокатура мавқеи янги босқичга кўтарилади.

— Бугун судлар томонидан чиқарилаётган ҳукм ва ажримлар янада қонунийроқ, пухтароқ шакл ва мазмунга кираётгани, назорат тартибидаги шикоят-аризалар асосида протестлар келтирилиши бироз жонлангани кўзга ташланаётгани рост. Булар бошланиши холос, деб умид қиламиз. Ўтган ойда Олий суд раиси қабулига ариза топшириш учун борганимда оддий бир ташкилий янгиликдан хурсанд бўлдим: ариза топширганларнинг қўлига номер ёзилган гугурт қутисидек пластмасса «бейжик» берилаяпти — сизнинг навбатингиз мана шу, раис қабулига кириш учун тушдан сўнг фалон соатда келинг, деб ҳар кимга навбат рақамига муносиб ҳар хил вақт айтилмоқда. Бу оддий ташкилий ҳолат аслида олис-яқин деярли барча вилоятлардан келган аҳоли учун жуда катта қулайлик ва Олий суд деган мўътабар идора учун юксак маданият. Юзлаб одамлар илгаригидек тонг саҳардан кечгача саратон иссиғида, қишнинг изғиринида Олий суд эшиги тагида «қачон навбатим келаркин?», деб сарғайиб турмайди. Бундан кейин яқинда мақтовли шароит яратилди: қабулхона йўлагида аризаларни қабул қиладиган тўртта дарча очилди ва қабул кунлари ҳам кўпайди. Илгариги ўрнини, навбат йўқ.

Охирги савол: суд мажлиси жараёнида адвокатнинг ҳимоя нутқи прокурорнинг муддат сўраши қувватига тенглашиши учун яна нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Талабчанликни кучайтириш. Ўзига ва ўзгаларга. Шу орқали, Президентимизнинг «Айби бўлса, жазоланг, айбсиз бўлса, оқланг» деган дастурий кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишга ёрдам берган бўламиз.

Суҳбатдош
Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист, юрист.

Истиқлол имкониятлари

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

«КВАРЦ»: КАМ ХАРАЖАТ, ЮҚОРИ САМАРА

Қувасойдаги «Кварц» корхонаси мамлакатимиз ойнасозлигида доврўқ қозонган. Унинг 0,2-10 миллиметрли ойналари нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир. Айниқса, тобланган ойналари автомобилсозлик, мебелсозликда кенг қўлланмоқда.

Корхонада уч йил муқаддам иқтисодий самарадорликни юксалтириш, молиявий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури қабул қилинган эди. Бугунга келиб бундай ислоҳотлар мевасини берди. «Кварц»нинг соф фойдаси 2014 йилга нисбатан икки баробар ўсди.

— Биз илгари шишасозлик учун асосий хомашё бўлган кварц қумларини хориждан олиб келар эдик. Шунинг ўзига йилига 3 миллион доллар сарфланар эди, — дейди **корхона таъминот бўлими бошлиғи Бахтиёр Тошболтаев.** — Кварц қумларининг Ўзбекистоннинг Навоий вилоятидан топилиши туфайли корхонамиз юз фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланишга ўтди.

Жаҳон банки кредит маблағлари эвазига Европа машинасозлигининг етакчи компанияларидан электр қувватларини 20 фоиз кам сарфлайдиган, самарадорлиги 20 фоиз юқори янги ускуналар келтирилди. 2017-2019 йилларда эса электр қувватини 40 фоизга тежайдиган шиша идишлар ишлаб чиқариш технологияси келтириб ўрнатилади.

Жорий йилда маҳсулотни хумдонда пишириш вақти янги технология асосида 65 фоизга камайди. Натижада табиий газ шунча миқдорда кам сарфланадиган бўлди.

Ушбу тежамкорликлар «Кварц»нинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамланишига, ишлаб чиқариш қувватини оширишга олиб келди. 2016 йилда 227,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилнинг биринчи ярмидаёқ 143,6 миллиард сўмликка етди. Соф фойда ўтган йили 56,8 миллиард сўм бўлган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ 49,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Яна бир кўрсаткич аҳамиятга молик. Маҳсулот таннархи 2016 йилда 10,4 фоизга, 2017 йил биринчи ярмида яна 10,2 фоизга арзонлашди. Натижада «Кварц» халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлди. Унинг маҳсулотларига ISO 9001-2015 ва ISO 5001 каби халқаро стандарт белгилари берилди. Халқаро бизнес ташаббуслари уюшмасининг Париждаги дирекцияси томонидан «Сифат соҳасидаги етакчилик учун Халқаро юлдуз» мукофоти берилди.

— Ишлаб чиқариш қувватини икки баробарга оширадиган замонавий технологик линия сотиб олиш устида ишлаяпмиз, — дейди **«Кварц» бош директори Акмалжон Пўлатов.** — Хитойнинг «Shanqhai Pony Technology» Co.Ltd компанияси билан бу ҳақда шартнома имзоладик. Тез орада ойна цехида модернизация ишларини бошлаймиз.

1500 кишилик меҳнат жамоаси ой сайин кенгайиб бормоқда. Корхонада полиэтилен қоп ва плёнкалар, ўроб қоғозлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ойналарга исталган ранглаги тасвирларни тушириш ҳам йўлга қўйилди. Натижада қисқа вақт ичида 110 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

ЕР ЮЗИДА 800 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИ

тўйиб овқатланмайди

2016 йилда дунёда очарчиликдан азият чекувчилар сони 815 миллион кишини ёки сайёрамиз аҳолисининг 11 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2015 йилдагига нисбатан 38 миллион кишига кўпайган. Бу ҳақда, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти хабар бермоқда.

Таъкидланишича, 2016 йилда очликдан азият чекувчилар сони охирги 10 йил ичида илк марта ошган. 2005 йилда уларнинг миқдори 926 миллион кишини ташкил қилганди.

Очликдан азият чекувчи одамларнинг асосий қисмини Осиё ва Африка давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

БМТнинг фикрича, дунёда очарчилик муаммосининг кескин авж олиши ҳарбий можаролар ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқдир.

ЭНГ МАШҲУР ЧЎҚҚИНИНГ БАЛАНДЛИГИ

пасаймоқда

Европадаги энг машҳур чўққи Монблан тоғининг баландлиги икки йил ичида бир сантиметрга пасайган. Альп тоғларида жойлашган чўққининг баландлиги ҳозирда 4808,72 см ни ташкил қилмоқда.

Маълум қилинишича, ўлчашлар мураккаб об-ҳаво, кучли шамол ва қуюқ туман шароитида 14 сентябрь эрталаб амалга оширилган. Чўққининг баландлиги 2015 йилда 4808,73 метрни, 2007 йилда эса 4811 метрни ташкил қилган.

Мутахассисларнинг фикрича, тоғ баландлиги қор қалинлиги, ёғингарчилик ҳажми, шамол тезлиги ва ҳарорат сабабли ўзгаради. Мисол учун, июнда Монблан августдагидан ҳам пастроқ бўлганди (4808,06 метр). Олимлар буни қиш жуда совуқ бўлгани ва чўққида қор турмагани билан изоҳлашмоқда.

Маълум қилинишича, тоғ баландлиги 18 йилдан бери ҳар икки йилда бир марта ўлчаб келинади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

лойиҳасини амалга ошириш бошланди



Дубайда дунёдаги энг баланд қуёш коллекторига эга қуёш электр станциянинг қуввати 700 мегаваттни ташкил қилади. Қайтган қуёш нурларини ушловчи иншоот — қуёш коллекторининг баландлиги 260 метрдир. У шундай иншоотлардан энг баланди ҳисобланади.

Электр станцияни қуриш лойиҳасининг қиймати 3,9 миллиард долларга баҳоланган.

Мутахассисларнинг фикрича, амирликнинг электр ишлаб чиқаришдаги «соф» энергия манбалари улуши 2020 йилга келиб, 25 фоизга, 2050 йилда эса 75 фоизга етади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Энди юзлаб одамлар илгаригидек тонг саҳардан кечгача саратон иссиғида, қишнинг изғиринида Олий суд эшиги тагида «қачон навбатим келаркин?», деб сарғайиб турмайди.



УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА УЧИНЧИ ЎРИНДА БОРЯПМИЗ

Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида 17 сентябрь куни ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда бир қанча мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Осиё олимпия кенгаши раҳбарияти ва фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Осиё ўйинларини очиқ, деб эълон қилди. Тадбир театрлаштирилган саҳна ўринишлари ва санъаткорларнинг чиқишлари [illegible]ан кўтаринки ўтди. Осиё ўйинлари мадҳияси [illegible]да Осиё Олимпия кенгашининг байроғи [illegible]арилди. Сўнгра мусобақа машъаласини ёқиш [illegible]араёни бўлиб ўтди.

Юртимиз делегациясини Олимпия стадионидаги спорт мухлислари олқишлар билан кутиб олди. Байроғимизни оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби Улуғбек Алимов кўтариб ўтди.

Маълумот ўрнида: ҳамюртларимиз мусобақанинг биринчи кунида жиу-житсу ҳамда туркман кураши бўйича баҳсларда иштирок этиб, 2 олтин, 3 кумуш, 8 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаган эди.

Кеча мусобақа тақвимидан ўрин олган футзал, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, таэквондо (WTF), велоспорт (трек) бўйича баҳслар бошланди.

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги дастлабки ўйинини БАА терма жамоасига қарши ўтказди. Ҳисоб — 5:1.

Баландликка сакраш бўйича ҳамюртимиз Надия Дусанова 1.86 натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди. Иккинчи ўринни яна бир спортчимиз Сафина Садуллаева (1,83) эгаллади. Туркман кураши беллашувларида Дилафруз Мамажонова терма жамоамизга бешинчи кумуш медални олиб берди. Шу куни спортчиларимиз 12 бронза медалига ҳам сазовор бўлишди.

Мусобақанинг учинчи кунги натижаларига кўра, ҳамюртларимиз 3 олтин, 5 кумуш, 20 бронза, жами 28 медаль билан умумжамоа ҳисобида 3 ўринни эгаллаб турибди.

Шаҳбоз САИДОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ўқиб чиқиб, тўғриси, ўзим бир умр шу соҳада ишлаб келаётганим боис, бу масаланинг қанчалик муҳимлигини яна бир бор юрак-юрагимдан ҳис қилдим. Тизимдаги қатор муаммолар, мактабгача ёшдаги болаларнинг кўпчилиги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаётганлиги таълим сифатининг пасайишига олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас эди.

ЯНГИЛАНГАН ДАСТУРЛАР

болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади

Ушбу қарорда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, улар фаолиятини замонавий технологиялар асосида юритишни йўлга қўйиш, хусусан, бу соҳага инвесторларни жалб қилиш каби кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш, уларнинг жисмонан соғлом бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 2-7 ёшли болалар сони 280 минг нафар атрофида бўлиб, фаолият кўрсатаётган 553 мактабгача таълим муассасаларига уларнинг 76781 нафари қамраб олинган, бу эса умумий болалар сонининг 27,4 фоизини ташкил этади. Бу рақамлар аҳвол қандайлигини кўрсатиб турибди.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида жами 4863 нафар педагог ходим фаолият кўрсатмоқда, шулардан 1019 нафари олий, 3742 нафари ўрта махсус маълумотга эга, малака ошириш курсидан жами 2644 нафар ходим ўтган.

Муассасаларда болалар қамровини ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун жами 668 қисқа муддатли гуруҳлар ташкил қилинган, шундан «Таълимда глобал ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида 174 гуруҳга 3940 нафар бола жалб қилинган бўлиб, қамров 11,2 фоизни ташкил этади.

2017-2021 йилларда қисқа муддатли гуруҳлар тармоғини кенгайтириш мақсадида ҳар йили 84 мактабгача таълим муассасаларида 4200 нафардан болаларни қисқа муддатли гуруҳларга жалб этиш режалаштирилиб, 2021 йилда мактабгача таълим муассасаларига жами 21,0 минг нафар бола жалб қилиниши орқали қамровни 40 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда мавжуд 553 мактабгача таълим муассасасининг умумий қуввати 63 минг 800 ўриндан иборат бўлган ҳолда тарбияланувчилар сони 76 минг 781 нафарни ташкил этади. Вилоят бўйича боғча ёшидаги (2-7 ёш) жами болалар сонини инобатга оладиган бўлсак, қамров фоизининг пастлиги яққол кўринади. Демак, қарорда таъкидланганидек, бу соҳани тубдан такомиллаштириш талаб этилади.

Қишлоқ жойларидаги 437 мактабгача таълим муассасаси қуввати 43720 ўринни ташкил қилади, лекин уларга 52587 минг нафар, яъни 20 фоиз кўпроқ тарбияланувчи қамраб олинган.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўнгги икки йил давомида ички имкониятлардан фойдаланиб, вилоятимиздаги 61 мактабгача таълим муассасалари мукаммал таъмирланди, битта муассаса янгидан қурилиб, замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди. 2015 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 30 та мактабгача таълим муассасаларида 14,8 миллиард сўмга капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 1,974 миллиард сўмлик мебель-жиҳозлар билан таъминланди.

2017-2021 йилларда 281 (50,9 фоиз) мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, 7 та 740 ўринли янги мактабгача таълим муассасаси бинолари қуриш, 251 та 24590 ўринли мактабгача таълим муассасаларни реконструкция қилиш, 23 та 3710 ўринли мактабгача таълим муассасаси биноларини капитал таъмирлаш ва уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 311,4 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Бироқ олиб борилаётган ишлар мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, болаларни қамраб олиш кўрсаткичларини ошириш учун етарли эмаслигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Қарорнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда мактабгача таълим тизимига таълим-тарбия жараёнини тубдан яхшилашга қаратилган муқобил дастурларни жорий этиш назарда тутилган бўлиб, янгиланган дастурлар болаларни мактабга янада сифатли тайёрлашга, уларнинг интеллектуал қобилияти ва мантиқий фикрлаш салоҳиятини юксалтиришга, олдингидан фарқли ўлароқ, ёзиш ва ўқишни янада жадал ўрганишига хизмат қилади.

Бошқача айтганда, бу қарор мактабгача таълим муассасалари соҳасидаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш, болаларни мактабга тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига муқобил дастурларни жорий этиш, мактабгача таълимга болалар қамровини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Энг муҳими, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Лайло РАҲМАТОВА,
Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиғи.

Янги асар тақдимоти

«ГУЛ ОЛМАГАН ГЎЗАЛЛАР»

Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусиқали драма театрида драматург Кўчқор Норқобил қаламига мансуб «Гул олмаган гўзаллар» комедияси Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Сарсенбай Узақбаев томонидан саҳналаштирилди.

Спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сарвиноз Аннақулова ҳамда Гулхон Сарибаева, истеъдодли актрисалар Сулувхон Ганиева, Олтиной Бердибоева, Дина Жалғасбаева, Дилором Нуруллаева, Жузимгул Пирлешова, Кўпжурсин Алланазаровлар ролларни моҳирона ижро этишган.

Комедия адабий жанрлар орасида инсон онги шуури ва тафаккурига тез таъсир қиладиган жанр саналади. Чунки уни томошабин бевосита кўриш орқали мушоҳада қилади, хулоса чиқаради, ибрат олади. Драматург қаламга олаётган ҳар бир мавзу инсон тақдири, жамият ҳаётини қандай акс эттириши билан жуда муҳимдир.

Жамиятда ҳар бир шахснинг ўз ўрни ва вазифаси бор. Агар бу мувозанат бузилса, ҳаётда номутаносиблик пайдо бўлади. Асарда ақлу заковатли, оқила ва тадбиркор аёл орқали мавзу моҳияти очиб берилади, аёлларнинг оилада ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни кичик бир корхонадаги фаолияти мисолида намойиш этилади.

Сиртдан қараганда, асар маиший муаммоларга бағишланганга ўхшаб кўринади. Аслида эса унда ижтимоий ҳаётдаги катта ўзгаришларга ишора қилинади. Корхонага раҳбар бўлиб келган аёл ходималарнинг турмуш тарзини ўзгартиради, уларни янги ҳаётга олиб киради.

Кўчқор Норқобил асарда сўз ўйинларидан, халқона ифода ва афоризмлардан моҳирона фойдаланган.

Комедияда фаррош аёл образи инсонлар қалбини тозаловчи фаришта сифатида тасвирланади, унда кўтарилган маиший муаммолар асосида ижтимоий масалалар ечими кўрсатиб берилади.

Гулноз САТТОРОВА,
санъатшунос, филология фанлари номзоди.

НУКУСДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Қорақалпоғистон Республикасида кейинги икки йил мобайнида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 70 лойиҳа амалга оширилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами кунларида Нукус шаҳрида «Нукусэлектроаппарат» қўшма корхонаси иш бошлади.

60 иш ўрнига эга бўлган корхона ишга туширилиши олдидан мазкур йўналишга ихтисослашган касб-ҳунар коллежини битирган бир гуруҳ йигит-қизлар Тошкент шаҳридаги «Ўзэлектроаппарат-электрошит» корхонасида малака ошириб қайтди.

— Нукус компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битирганман, — дейди **оператор Қалмурза Медетбаев.** — Бу ерда барча жараёнлар автоматлаштирилган. Бу эса қўшимча билим ва малака талаб қилади. Мен мутахассислардан кўп сирларни ўргандим. Ҳозир Италиянинг «Pvima Power» фирмасининг замонавий ускунасини бошқараяпман.

— Мазкур корхонада Италия, Германия, Швейцария, Хитой, Россия каби давлатлардан

келтирилган энг илғор технологиялар асосида 6-10 кВт қувватига эга бўлган трансформатор подстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди **Тошкентдаги «Ўзэлектроаппарат-электрошит» корхонаси бош директори Владимир Роюк.** — Бундай подстанциялар юртимиз шаҳар ва қишлоқлари учун сув билан ҳаводай зарур. Чунки ҳали ҳам кўп жойларда эскирган подстанциялардан фойдаланилмоқда. Уларнинг ишлашидан кўра, бузилиши кўп. Янги подстанцияларнинг сифати юқори бўлиш билан бирга, белгиланган муддатидан олдин бузилиб қолса, корхона томонидан текинга алмаштириб берилади.

Келгуси йилдан бошлаб подстанциялар ички бозордан ташқари, Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия Федерациясига экспорт қилинади.

Корхонада 2018 йилда яна 200 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Мнажатдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Respublika Teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси жамоаси меҳнат фахрийси **Мирсобир МИРЗОҲИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938
9118 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 05:15
Topshirilgan vaqti — 05:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6